

Тошкентдаги Бизнес марказида мамлакатимиз ўрта умум таълим муассасалари учун 225 минг АҚШ доллари миқдоридagi Япония ҳукуматининг навбатдаги гранти топширилди.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик ришталари кун сайин мустаҳкамланмоқда, - деди Япониянинг Ўзбекистондаги Факултети ва мухтор элчиси маслаҳатчиси Имахоши Хироюки "Туркистон-пресс" мухбирига. - Бу йилги ажратилган грантлар асосан таълим тизимига йўналтирилган. Ушбу грантларнинг дастлабки туркуми Фаргона, Жиззах, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги бир неча мактабларнинг ўқув базасини мустаҳкамлаш учун ажратилган эди. Япония ҳукумати томонидан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига янги технологиялар киритиш учун ажратилган навбатдаги грантлар Андижон вилоятига топширилди.



# ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 12 март, сешанба №40 (1257)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПРЕЗИДЕНТ АҚШГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 март кунини расмий таъриф билан Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетди.

АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлардан биридир. Утган вақт мобайнида икки мамлакат ўртасида кўплаб ташрифлар амалга оширилди, талай ҳужжатлар имзоланиб, ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Ҳозир давлатларимиз ўртасида турли соҳаларда тенг манфаатли ҳамкорлик йўли кўйилган.

Президентимиз сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида мазкур таъриф Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини янги bosқичга кўтаришга таъкидлади. - Таъриф асосида олтинчи ҳужжат имзоланиши кутилмоқда, - деди Ислам Каримов. - Булар



орасида энг асосийси, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланган

янги ҳужжатдир. У барча соҳалардаги алоқаларимизни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан янада самаралироқ фой-

даланишга кенг йўл очади. Айниқса, Ўзбекистон чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, юртимиз хавфсизлигини кафолат-

лаш нуктаи назаридан бу ҳужжат жуда муҳимдир.

Умуман, АҚШга бу галги сафаримиз Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётига асосланган эркин, демократик ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қисқача айтганда, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига чиқариш каби эзгу мақсадларга тезроқ эришишимизга катта ёрдам беради.

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг тақдирини биноан амалга оширишга кенг йўл очади. Айниқса, Ўзбекистон чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, юртимиз хавфсизлигини кафолат-

(ЎЗА).

## ПРЕЗИДЕНТ ЛОНДОНГА ТўХТАБ ўТДИ

Лондон. 11 март. Ўза махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Шу кунини Президент Ислам Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Буюк Британия пойтахти

«Стэнстед» аэропортига тўхтаб ўтди. Давлатимиз раҳбарини мазкур мамлакат ташки сиеват маҳкамаси вакиллари кутиб олди.

Қисқа муддатли музокара-

ларда Ўзбекистон-Буюк Британия муносабатларини янада ривожлантириш, турли жаҳаларда йўлга қўйилган ҳамкорлик истиқболи билан боғлиқ ҳамда томонларни кизиқтирган бошқа масала-

лар юзасидан фикр алмашилди.

Буюк Британия расмийлари билан учрашувдан сўнг, Ўзбекистон делегацияси яна АҚШга йўл олди.

(ЎЗА).

### Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг «2001 йилда республиканинг иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Карорида бозор ислохотларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида иқтисодийнинг хусусий секторини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

## ИҚТИСОДИЁТ ҚАНОТЛАРИ

Истиқлол йилларида Эллиқалба туманида ҳам тадбиркорлик ва ишбилармонлик янада ривожланди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг 2001-2002 йилларга мўлжалланган дастурини, иқтисодийнинг базавий тармоқлари, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларни монополиядан чиқариш, бошқаруви такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқат қарорларини бажариш, хорж сармояларини жалб этиш, корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги қўллаб-қувватлаш бўйича анча иш қилинди.

Биз туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Бахтиёр Аминовни товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида ишбилармонлар билан мулоқот ўтказётган пайтда учратдик.

Бозор инфратузилмасини ривожлантириш давр талаби, - дейди ҳоким муовини. - Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 май-

даги «Тадбиркор фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни фуқароларнинг ишбилармонлик билан шуғулланишларига кенг йўл очди. Ишчанлик ва ташаббускорлигини оширди, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатларини тўла ҳимоя қилишни кафолатлади.

Туманда 468 та кичик ва ўрта бизнес тузилмалари бўлиб, улардан 298 таси қишлоқ хўжалиги, қолганлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида иш олиб бормоқда.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида банклар, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси Нукус филиали томонидан кўп миқдорда мақсадли кредитлар ажратилаёпти. Бунинг самараси ўлароқ тадбиркорлар томонидан таъйёрланаётган маҳсулот ҳажми, кўрсатилган хизмат турлари бир неча бараварга кўпайди.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕК АВТОМОБИЛЛАРИ - АФҒОНИСТОНДА

Шу йилнинг 2-4 март кунлари Афғонистон мустақил ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай бошчилигидаги делегация юртимизда меҳмон бўлди. Таъриф асосида қўшни афғон халқига беғараз ёрдам сифатида «ЎзДЭАавто» ва «СамКочавто» қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобиллари ҳада қилинганди.

10 март кунини Термизда мазкур қўшма корхоналар томонидан Афғонистон учун ажратилган умумий қиймати 350 минг АҚШ долларига тенг 10 та «Нексия», «Дамас» русумли энгил автомобил ва «Отайўл» русумли 8 та автобус, автофургон ҳамда юк машинасини қўшни мамлакат вакил-

ларига топшириш маросими бўлди. Унда сўзга чиққан Афғонистон транспорт вазирининг ўринбосари Саид Саъди Мутафаккир афғон халқини ҳамisha қўллаб-қувватлаб келган дўст ва қўшни Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий миннатдорлик билдирди. Бундай инсонпарварлик ёрдами икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Юнусов иштирок этди.

Чори Тўхтаев, Ўза мухбири

### Маҳсулот экспортининг бош талаби унинг халқаро андозалар даражасида тайёрланишидир. Экспорт салоҳини эса ҳар бир давлат иқтисодий-иқтисодийнинг манбаи ҳисобланади.

Худудий сертификатлаш, метрология ва стандартлаш марказлари зиммасига бу борада катта вазифалар юкланган. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро меъёрлар даражасида бўлишини кузатиб борадилар ва бу йўналишдаги хулосаларини тегишли идораларга тақдим этадилар. Ҳамма жойда бўлганидек, Наманган худудий марказ ҳодимлари ҳам бу борадаги ўз фаолиятларини тобора такомиллаштирмоқдалар, тез-тез жойларда бўлиб, маҳсулот тайёрлаш жараёнини назоратдан ўтказмоқдалар ва талабни бузганларга нисбатан тегишли жазо чораларини белгилаётдилар.

Тегишлилар шуни кўрсатмоқдаки, баъзи жойларда микдор кетидан қувиб стандарт талаблари унутиб қўйилмоқда. Чунинчи, ўтган йил давомида «Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгаши»нинг

режа-жадвалига мувофиқ виллоят халқ хўжалигининг 164 та корхонасида стандартлар устидан давлат назорати ўтказилди. Назорат текширувларидан шулар маъ-

лум бўлдики, айрим корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришда масъул жавобгар ҳодимларнинг совуққонлиги оқибатида стандарт талабларидан четга чиқилмоқда, ностандарт маҳсулот сотувга тақдим этилмоқда. Масалан, «Норин тола» ҳиссадорлик жамиятида 60 та тойдига 14 тонна 2-навли пахта толаси ўраш ва тамғалаш бўйича намуналар олинган жойлари тикимлангани, марказлаш ёзувлари чаплаганлиги сабабли талабга жавоб бермади. Аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар 60 тонна пахта то-

ласини сотишни тақиқлаш бўйича фармойиш берилди. Ўзбек-Турк «Косонсой-текем» қўшма корхонасида текшириб кўрилган 450,6 погонметр костьумлик ва 346,4 погон-

### Биз дунёни, дунё бизни танимоқда

Мамлакатимиз иқтисодийтини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни жаҳоннинг энг донгдор компаниялари маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган даражага етказишда хоржий мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари, хусусан, қўшма корхоналар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, ҳукуматимиз томонидан юртимизда хоржий ҳамкорлар билан биргаликда икки томонлама манфаатли қўзлаган корхоналарни ташкил этиш, мутахассисларимизнинг чет элларга чиқиб, тажриба алмашиш учун кенг имкониятлар яратиб берилди.

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МЕВАЛАРИ

Андижон вилояти фермерлари ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, халқаро ҳамкорлик алоқаларини йилдан-йилга кенгайтириб бормоқдалар. Бу борадаги дастлабки қадам 1998 йилда қўйилган эди. Яъни, ўша йили деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят вакиллиги Европа Иттифоқининг фермер хўжаликларини худудий ривожлантириш ТА-СИС-ТЕФАП лойиҳаси доирасида ҳамкорлик ўрнатилди. Мазкур лойиҳада иштирок этаётган голландиялик экспертлар вилоятда 1,5 йил давомида фаолият кўрсатдилар. Лойиҳа доирасида энг замонавий ахборот технологиялари келтирилди. Дастлаб маслаҳатчи-мутахассислар тайёрлаш йўлига қўйилди. Ушбу сазй-ҳаракатлар самарасини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига доир қўлланма, адабиётлар, хоржий фермерларнинг таърибалари ёритилган видеотасмалар билан жиҳозланган маслаҳат-ўқув маркази ташкил этилди. Фермерлардан 9 нафар киши Голландия ва Германияда малака оширишга муваффақ бўлди.

Мазкур лойиҳа ўқув режаси янада кенгайтирилди. Барча туманларда маслаҳат-ўқув марказлари ташкил этилиб, уларда хоржий экспертлар томонидан ишлаб чиқилган дастурнинг маҳаллий мутахассислар ёрдамида оммалаштирилган қувончли холдир. Бу ўқуларда 1116 нафар фермер ўз билим ва малакасини оширди.

Энг аҳамиятлиси, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят вакиллиги қошидаги маслаҳат-ўқув маркази АҚШнинг халқаро таърибалар алмасуви — «Глобал-Отрич» ташкили билан алоқа боғлади. Республикаимизда ягона бўлган ушбу ҳамкорлик доирасида 1998 йилда бир, 2000 йилда икки, ўтган йилда эса 11 нафар ёш фермер таъриба алмашиш учун АҚШнинг турли штатларига юборилдилар. Айни кунларда маслаҳат-ўқув марказида 25 нафар фермер хўжалиги аъзолари «Глобал-Отрич» халқаро дастури доирасида тайёргарлик жараёнини ўтамоқда.

Кўни кеча мазкур халқаро ташкилот экспертлари вилоятга таъриф буюриб, фермер ва тадбиркорлар билан самимий суҳбатлар ўтказишга киришди. Бозор иқтисодиёти шароитида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришнинг истиқболлари хусусида ўқув юрларида маърузалар қилинди.

«Глобал-Отрич» АҚШ халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий ҳамкори Хайрулло Иброҳимовнинг Америка Қўшма Штатларидаги «САЕР» халқаро дастурида қатнашиш мақсадида танловда иштирок этгани ҳам Мустақиллик берган имкониятлар мевасидир. У йил давомида океан ортидаги мамлакатда қорвачилик ва иссиқхона хўжаликлари фаолияти билан танишиш ва уларнинг бой таърибаларини ўрганди. Дастлабки олти ой Минисота штатида қорвачилик йўналишида фаолият кўрсатувчи фермер оила-сида бўлиб, қорамол ва парранда параварини, маҳсулдорлиги ва маҳсулотни тайёрлаш ишлари билан танишиди.

— Наслчилик ҳамда тўйимли озуқа барқарорлиги фермер фаолиятининг асосини ташкил этар экан, - дейди у. - Шунингдек, Флорида штатида иссиқхона шароитида гул етиштириш бўйича ҳам назарий, ҳам амалий билимларга эга бўлдим. Висконсин ва

Иллиной штатларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш масалалари менда яхши таассурот қолдирди. Сирасини айтганда, бир йиллик сафар давомида АҚШ фермерлари ва ишбилармонларидан кўп нарсани ўрганишга муваффақ бўлдим. Бизнинг юртимизда ҳам ишларни бемалол амалга ошириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим.

Айниқса, АҚШда ёш фермерлар ҳаракати алоҳида эътибор берилади диққатимни тортиди. Бу ерда замонавий қишлоқ хўжалиги фаолиятини ташкил этиш бўйича махсус ташкилот бўлиб, унинг халқаро дастури мавжуд. Ушбу дастур АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти томонидан 1994 йили ташкил этилган бўлиб, хоржий мамлакатлар агар тармоғи ёш ҳодимларнинг касбий билими ва малакаларини ошириш билан шуғулланади. Дастурда иштирок этувчилар махсус курсни ўтайдилар ва танловда қатнашадилар. Кимки танловда ғолиб чиқса, икки ойдан ўн саккиз ойгача муддатда АҚШ қишлоқ хўжалиги ҳамда Америка халқининг маданияти, урф-одатини ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Таъкидлаш керакки, ҳозирда вилоят ёш фермерлари мазкур дастурга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Бу йилдан-йилга уларнинг сафи кенгайиб, алоқалар мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

Мухаббат ўРМОНБЕКОВА, Шукрулло НЕЪМАТОВ.

### Истеъмолчи манфаати — муқаддас

ласини сотишни тақиқлаш бўйича фармойиш берилди. Ўзбек-Турк «Косонсой-текем» қўшма корхонасида текшириб кўрилган 450,6 погонметр костьумлик ва 346,4 погон-

метр пальтолик газламаларни ёрликлаш бўйича стандарт рақами бузилганлиги ва шу каби бир қатор нуқсонларга йўл қўйилганлиги сабабли уларни сотиш тўхтатиб қўйилди. Яна шу тумандаги «Косонсой пойабзал фабрикаси» акционерлик жамиятида кўздан кечирилган 100 жуфт эркалар иши бо-тишқаларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар ва олиниши мажбурий ҳисобланган мувофиқлик сертификати йўқлиги аниқланди. Ушбу камчиликлар бартараф этилгунга қадар маҳсулотни

лашда нуқсонларга йўл қўйилган. Маҳовиклар куйган қум зарралардан тозаланмасдан зулфинларга бутлаб юборилган.

Умуман, назоратдан ўтказилган 164 та корхонада 358 турдаги маҳсулот кўздан кечирилди. Текшириш натижасида 94 та корхонада стандартлар талаби бузилганлиги маълум бўлди. Шуларга кўра 6 ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқариш таъқиқланди. 10 та корхонага умумий ҳисобда 2004,4 минг сўм иқтисодий жарима қўлланилди. 98 нафар масъул ҳодимдан умумий ҳисобда 557620 сўм жарима ундирилди. 110 ҳолатда маҳсулот сотиш таъқиқланди.

Қиссадан хисса шуки, шошма-шошарлик, қўлдан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш юритиш ҳеч қимга ва ҳеч қачон фойда келтирмаган.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

## НАЗОРАТ НИМНИ КўРСАТДИ?

## БУХОРО ГУЛЛАРГА БУРКАНАДИ

Наврўз арафасида Бухорода қўламазорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари авж олиб кетди. Унда корхоналар, ташкилотлар жамоалари, маҳаллалар аҳли иштирок этишяпти. Бу хайрли юмушга Бухоро нефт ва газ sanoati коллежи ҳам ўзулушини қўшаётти.

«Ўқув юртимиз ҳовли-сига кўплаб мевали ва манзарали дарахтлар экдик, - деди коллеж директори Замир Адизов мухбиримизга. - Бундан ташқари шаҳарнинг «Фатҳобод» истироҳат боғига ҳам турфа кўчатлар ўтказдик.

Бу йил шаҳарни ободонлаштириш ишлари ўтган йиллардагидан анча фарқ қилади. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан «Универнада-2002» дастури қабул қилинди. Ушбу дастурни рўйба-р чиқариш учун штаб ташкил этилди. Дастурга мувофиқ, хатто гулларни ўтказишда ҳам кўхна Бухоронинг ўзига хос манзараси ҳисобга олинади.

Иқтидорли ёшлар — келажакимиз

УММОН ОРТИДА ТАЪЛИМ ОЛИШДИ

1997 йил 7 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга жаҳон андозалари даражасида билим олган заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрлар улкан ҳисса қўшишини назарда тутиб, Ватанга фидокорона хизмат қиладиган, садоқатли, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун қайғурадиган, ўз иқтидори билан она юртини улуғлашга қобил, истеъдодли йигит-қизлардан халқ хўжалигининг устувор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида тузилган ушбу Жамғарма мана, 5 йилдирки фаолият кўрсатиб келаяпти.

Ушбу давр мобайнида жами 785 нафар Ўзбекистонлик йигит-қиз ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртига таълим олишга юборилди. Жумладан, АҚШга йўлланганлар сони 343 нафарни ташкил этди.

Улар мамлакатимизда олиб бориладиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга оширишда устувор бўлган иқтисодиёт, бизнес ва менежмент, халқаро ҳуқуқ, компьютер фанлари, информация технология ва коммуникация воситалари, табиий ва амалий фанлар, кишлоқ хўжалиги, экология ва сув тизимларини бошқариш ва муҳандислик каби таълим йўналишларининг 30 дан ортиқ мутахас-

сисликлари бўйича таълим олиш имкониятига эга бўлдилар. Шу билан бирга, журналистика, музыка, архитектура каби мутахассисликлар ҳам унутилгани йўқ.

Жамғарма гранти совриндори бўлишга эришганлар орасида республикамизнинг 43 олий ўқув юрти, 16 йирик саноат корхонаси, банклари, ва зирликлари, илмий тадқиқот институтлари, сугурта компаниялари, газеталар таҳририятлари вакиллари бор. Вакиллари грант совриндори бўлган олий ўқув юртли орасида пойтахт университети: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (242 нафар), Тошкент Давлат техника университети (127 нафар), Тошкент Давлат иқтисодиёт университети (84 нафар) пешқадамлик қилишмоқда. 23 вилоят олий ўқув юртли орасида эса Фарғона давлат университети (27 нафар), Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти (18 нафар) ва Самарқанд давлат университети (15 нафар) олдинда боришяпти.

Совриндорлар орасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан 25, Андижон вилоятидан 64, Бухородан 54, Жиззахдан 22, Қашқадарёдан 33, Навоийдан 16, Намангандан 55, Самарқанддан 77, Сурхондарёдан 20, Сирдарёдан 8, Тошкентдан 55, Фарғонадан 71, Хоразмдан 26 ва Тошкент шаҳридан 259 нафар вакиллари бор.

А. НАБИЕВ, Т. ХАЙДАРОВ.

БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Наврўз байрами Навоий шаҳрида бу йил илк бор Алишер Навоий номидаги амфитеатр ва истирвхат боғида ўтказилади. Ўтган йили очилган боққа хозиргача 100 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар ўтказилди.

Байрам арафасида боғ майдонидаги «Алпомиш» спорт мажмуи, чойхона, Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчасидаги икки қаватли супермаркет ва бошқа иншоотлар фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари, «Мароқанд» чойхонасида 20 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйи ўтказилади. Ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, совға-саломлар улашилади.

Байрам куни «Баҳор келди, бизни сўроқлаб» деб номланган театрлашган байрам дастури намойиш этилади. Шунингдек, «Фарҳод» ҳамда «Шири» маданият саройларида бадий жамоалар янги концерт дастурларини намойиш этади. Футбол, армрестлинг, эркин кураш, байдарка ва канозда сузиш бўйича шаҳар биринчилиги мусобақаси, «Кувноқ стартлар» беллашувлари ўтказиш режалаштирилган. (ЎЗА).



Халқимизда касални даволагандан кўра унинг олдини олган афзал деган ажайиб нақл бор. Бу нафақат тиббиёт ходимлари, балки халқимизда осойишталиги йўлида хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимлари учун ҳам тааллуқлидир, - дейди Муборак тумани ИИБ Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлини маси бошлиғи, милиция майори Эшназар Кандаҳоров. - Туманимизда муқаддам судланган, профилнинг 80 дан ортиқ ва зирлик ва идораларида, олий ўқув юртли ва илмий-текшириш институтларида, молия, банк ва сугурта ҳамда оммавий ахборот воситалари ташкилотларида, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларида фаолият кўрсатмоқдалар.

Грант совриндорларининг чет элларда ўқиш ва яшашларини молиялаштириш фақат жамғарманинг 70 дан ортиқ ҳомийлари томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Улардан энг салмоқлилари — Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва барча бошқа йирик банклар, Ташқи иқтисодий алоқалар ва зирлиги, Давлат мулк кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ёғтамаксаноат» ассоциацияси.

Кейинги пайтларда ҳомийлар маблағларидан оқилана фойдаланиш, чет элларга энг муносиб йигит-қизларни ўқишга юборишни таъминлаш, ўқишни тамомлаганларидан сўнг уларнинг билим ва тажрибалиридан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

А. НАБИЕВ, Т. ХАЙДАРОВ.

«ТОНГ» ҲАМИША НУРАФШОН БЎЛСИН

аниқлаб, бу ҳақдаги ҳужжатларни тегишли тергов идораларига топширди.

Бундан ташқари, 2 нафар нозиримиз вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олди-

ни олиш бўйича доимий иш олиб бормоқда. Улар «Ватанпарвар» ташкилоти, туман «Ка-



молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман халқ таълими бўлими каби ташкилот ва муассасалар билан доимий ҳамкорликда ўқув масканларида давра суҳбатлари, тарбиявий соатлар, учрашувлар ўтказишмоқда.

Бўлима жамоаси эл осойишталиги йўлида, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида мунтазам равишда амалга ошираётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Акмал АЛЛАМУРДОВ, «Ишонч» мухбири.

Суратда: Муборак тумани ИИБ Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлини маси бошлиғи, милиция майори Эшназар Кандаҳоров профилнинг катта инспектори, милиция капитани Норча Менглиев билан муҳим вазифалар хусусида фикрлашмоқда.

ИҚТИСОДИЁТ ҚАНОТЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Палата раисининг айтишича, йил давомида кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан 601 миллион 150 минг сўмлик иш бажарилган. Туманда чет эл сармояларини жалб қилиб, жаҳон бозорларида рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида 1994 йилда Эллиқалъа тўқимачилик мажмуи ишга туширилди.

Чўлдаги қум барханлари ўрнида Туркиянинг «Язекс» текстил инкорпорейтед» корпорацияси кўмағида қурилган корхонанинг 5 та фабрикасида Италия, Олмония, Туркиянинг замонавий дастгоҳлари, тикув ва тўқув машиналари ўрнатилди. Маҳаллий ёшлар хорижий техника сирларини ўрганиб олдилар. Эндиликда корхонада тайёрланаётган товарларга хориждан буюртмалар тушмоқда.

«Эллиқалъа олтин толаси» корхонаси Голландиянинг «Гленбер» грейин Роттердам Б.В., Швейцариянинг «Агрополис», Чехиянинг «Генюр» фирмаларини ўз маҳсулоти

билан таъминламоқда. «Элтэкс» тўқимачилик ҳиссасдорлик жамияти базасида чет эл сармоясини жалб этган ҳолда яна 2 та қўшма корхона ташкил этилди. Шулардан бири йилига 150 тонна тиббиёт момиғи ишлаб чиқариш қувватига эга. Лихтенштейн давлатининг «Раанани Холдинг» компанияси билан биргаликда барпо этилаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Мидикал коттон интернейшнл» ЛТД Ўзбекистон — Лихтенштейн қўшма корхонасининг Низом жамғармаси 2421000 Америка долларидан иборат. Унга Лихтенштейн давлати — 57,7, Ўзбекистон Республикаси Бизнес-фонди — 7, «Элтэкс» акциядорлик жамияти — 42 фоиз маблағлари билан улуш қўшдилар. Иншоот шу йилнинг биринчи чорағида фойдаланишга топширилади. Бу — 60 нафардан зиёд фуқаро иш билан таъминланади, демакдир. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳаммаси чет элга жўнатилади.

Бангладеш Республикасининг «Мершантэкс» компанияси ва австриялик тадбиркор Стефан Пиркер билан ҳамкорликда тайёр жинси ишлаб чиқарадиган «Юнивер» Ўзбекистон-Бангладеш Австрия масъулияти чекланган қўшма корхона тузилди. Низом фонди 7678347 АҚШ доллари миқдорига бўлган қўшма корхонада 1673 нафар киши иш билан таъминланди. Корхона тўла қувват билан ишлашга ўтган ходимлар сони 3173 нафарга етказилди.

Туманда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида 25 та тадбиркорлик субъектига 277,5 миллион сўм миқдорига кредит берилди. Бу йил тузни қайта ишлаб йодлайдиган хориж технологиясини олиб келиш мўлжалланапти.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида таъкидлаганларидек, мулкчилик шаклининг ўзгариши иқтисодиёт ва жамият ҳаётига ортага қайтариб бўлмайдиган жараёнлар ва ўзгаришлар учун мустаҳкам замин, мустаҳкам асос яратиши. Шу боисдан ҳам туман ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ишбилармонларни қўллаб-қувватлаб, ама-

лиқ ёрдам кўрсатапти. Ахборот маслаҳат марказидан қимматли маълумотларни олиш мумкин. Палатада замонавий компьютерлар ўрнатилган ва «Мароқанд» тизими уланган. Республика бозорларидаги нархнаво ва мини технологиялар тўғрисида доимий маълумот олинмоқда.

Яқинда Жаҳон банкнинг директорлари кенгаши кишлоқ хўжалиги корхоналарини реконструкция қилиш лойиҳаси учун 36 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит берилишини маъқуллади. Тўрт йилга мўлжалланган лойиҳа мамлакатимизнинг бешта туманида амалга оширилади. Улар орасида Эллиқалъа тумани ҳам бор.

— Кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқонфермер хўжаликлари, хорижий ҳамкорлар иштирокида тузилган корхоналар иқтисодиёти-мизнинг қанотларидир, - дейди Балликчи тумани «Нуроний» жамғармаси раиси В.Аҳмаджонов. — Жумладан, Жакбар полвон Ҳайдаровнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан миллий кураш мусобақаси ўтказилди. Унда водийдан ташриф буюрган полвонлар билан бир қаторда фахрийлар ҳам гиламда ўзаро беллашди. Мусобақа голиблари махсус совринлар соҳиби бўлишди.

Жойларда 32 та жамоатчилик маркази бевосита кекса авлод вакиллари билан иш олиб бормоқда. 200 нафардан кўпроқ яқин аёлга қариялар доимо эътиборда — улар ҳолидан мунтазам равишда хабар олиб турилибди.

Ёрдамга муҳтож кексаларга 150 минг сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилди. Саховатли ишларда корхона ва ташкилотларнинг иштироки салмоқли бўлмоқда. Улар 1200 нафар отахону онахонга 455 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатишди.

Албатта, бу сайҳаракатлар ногиронларнинг қилган хизматлари олдида денгиздан томчидай гап. Айниқса, 100 ёшдан ошган 30 нафар пири бадавлат кексаларни турли байрамларга тақлиф этиб, алоҳида эҳтиром кўрсатиляпти. Зотан, уларнинг хурматини жойига қўйиш, эъзозлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Қобилжон ШОКИРОВ, «Ишонч» мухбири.

Яқинда туман марказидаги Отарлар чойхонасида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан «Оталар чойхонаси» деб номланган маданий-маърифий дам олиш тадбири ўтказилди. Бу тадбирга шубҳасиз ўзларининг бой тажрибалари, касб-корлари билан туманининг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этган ва муносиб из қолдираётган 60 нафар нуроний тақлиф этилди. Кечада вилоят маданият ишлари бошқармасининг «Мерос» дастаси ҳамда туман маданият бўлимининг санъаткорлари отахонларнинг мароқли дам олишларига ҳисса қўшишди.

НУРОНИЙЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ҲАМ ФАРЗ, ҲАМ ҚАРЗ

— Бундай кечаларни тез-тез уюштиришни режалаштирганимиз, - дейди Балликчи тумани «Нуроний» жамғармаси раиси В.Аҳмаджонов. — Жумладан, Жакбар полвон Ҳайдаровнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан миллий кураш мусобақаси ўтказилди. Унда водийдан ташриф буюрган полвонлар билан бир қаторда фахрийлар ҳам гиламда ўзаро беллашди. Мусобақа голиблари махсус совринлар соҳиби бўлишди.

Жойларда 32 та жамоатчилик маркази бевосита кекса авлод вакиллари билан иш олиб бормоқда. 200 нафардан кўпроқ яқин аёлга қариялар доимо эътиборда — улар ҳолидан мунтазам равишда хабар олиб турилибди.

Ёрдамга муҳтож кексаларга 150 минг сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилди. Саховатли ишларда корхона ва ташкилотларнинг иштироки салмоқли бўлмоқда. Улар 1200 нафар отахону онахонга 455 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатишди.

Албатта, бу сайҳаракатлар ногиронларнинг қилган хизматлари олдида денгиздан томчидай гап. Айниқса, 100 ёшдан ошган 30 нафар пири бадавлат кексаларни турли байрамларга тақлиф этиб, алоҳида эҳтиром кўрсатиляпти. Зотан, уларнинг хурматини жойига қўйиш, эъзозлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Қобилжон ШОКИРОВ, «Ишонч» мухбири.

Шароф Рашидов туманидаги «Пахтабод» пахта тозалаш ҳиссасдорлик жамиятида 380 нафар ишчи меҳнат қилади. Бу ерда ишловчиларга унумли меҳнат қилиб, дам олиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар яратилган. Махсус кийим-бош, сут-қатик, бир маҳал иссиқ овқат бепул ташкил қилинган. Корхонада иш уч сменада ташкил қилинган бўлиб, илгорлар ҳар ойда моддий рағбатлантириб боришмоқда. Уларнинг саломатликларини ҳамширалар тез-тез куриқдан ўтказиб туришди, даволанишга эҳтиёжи бор ишчи-ходимлар эса жамият ҳисобидан бепул доридармонлар билан таъминланмоқда.

Суратларда: илгор ишчилар Эркин Расулов ва Саид Муҳаммадиевлар. Ф. ХИДИРОВ олган суратлар.



Нафс бандалари

ҚИНФИР ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

бирлар асосида текширишдан ўтказилганда Эҳридин Назировнинг хуфёна ишлари фож бўлди. Юк сумкаларига жойлаштирилган 35 донна турли хилдаги қўлда тикилган сўзана, маданий тарихий аҳамиятга эга 28 донна қутича, 27 турдаги 41 донна оқ металлдан ياسалган қадимий жиҳозларни чет га олиб чиқиб кетиш вақтида ушлаб қолиниб, давлат фойдасига мусодара этилди.

ий иш кўзгатилиб, сурштирув олиб борилмоқда. Давлат Божхона кўмитасининг маълумотига кўра кейинги уч кунда қонунга хилоф равишда божхона чегаралари орқали ва қинфир йўллари билан 3 тонна рангли металл парчалари ва чиқиндилари четга олиб чиқиб кетилаётганда тўхтатиб қолинди. Н.МУСТАФОВ, Давлат Божхона кўмитаси матбуот маркази ходими.

Республикамиз божхона ҳудудларини чет-лаб ўтиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган

хар хил маҳсулотларни турли йўллار орқали ҳудудимиздан ташқарига ноқонуний олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилаётган айрим шахслар ҳамон учраб турибди.

Хужжатларга асосланган ҳар қандай иш қонунга зид эканлигини билса-да, қозғоғистонлик Фариди Ҳасанова 28250 сўмлик рангли металл чиқиндиларини ўз юртига олиб чиқиб кетиш пайига тушди. У божхона назорати ўрнатилмаган «Сўратош» айланма йўли орқали чиқиб кетаётган вақтида «Дўстлик» божхона ходимлари унинг манзилни «осонлаштириш» қўйиши. Юрtdошимиз Мехринисо Абдуллажоновна қонунни

била туриб, унга риюя этмаганлиги учун ер чизиб қолди. У саноатимизга зарур бўлган алюмин қолдиқларини Қозғоғистон Республикасига олиб бориб пулқилаш ниятида, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайдиган ёлғиз зоёқ йўл орқали олиб кетаётганда 7-сонли «Ўзбекистон» божхона ходимлари томонидан қўлга олинди. Шунингдек, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари «Тошкент — Москва» йўналишидаги 5-сонли поездни тезкор тад-

Андижонда нодавлат-нотижорат ташкилотларига ахборот кўмағи берадиган марказ иш бошлади.

ЁРДАМ ҚЎЛИНИ ЧЎЗИБ

Марказни очиб ташаббускорлари Ўзбекистон - Очик жамият институтининг грантига сазовор бўлишди. Бу ерда ишланган лойиҳалар доирасида нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари учун тренинглар ўтказилади. Дастлабки машғулот «Каунтерпорт конкорциум» халқаро ташкилоти вакиллари билан биргаликда ўтказилди. Унда туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатаятган нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, вилоят кутубхоначилар уюшмаси ташаббускор гуруҳи, «Умр» ногиронларни қўллаб-қувватловчи маркази, «Фидо» аёвлар уюшмаси вакиллари қатнашди. Марказ айна кунларда нодавлат ташкилотлар мутахассислари учун семинарлар уюштириляпти. Шунингдек, марказ бепул интернет хизмати кўрсатапти.

Қобилжон ШОКИРОВ, «Ишонч» мухбири.



СЕШАНБА, 12

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, Билалгон маслаҳати.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».

ЧОРШАНБА, 13

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабулар.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».

ПАЙШАНБА, 14

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабулар.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Катта тавафус.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Катта тавафус.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабулар.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».



«Ўзбектеlevision» 1-қисми. 22.00 «Давр» Ахборот дастури. 22.35 Олтин мерос.

ЖУМА, 15

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».

«АНАКОНДА» ЙЎНАЛИШИ - ГАРДЕЗ

Бир қадар сусайган халқаро террорчиликка қарши кураш Афғонистонда яна авжига чиқа бошлади. Чунки, «Толибон» ҳаракати ҳамда «Ал-Қоид» ташкилотининг жангарилари бир муддат нафас роостлаб олиш учун писиб ётган эканлар, чоғи. Сўнгги кунларда Афғонистоннинг шарқидagi Пактия, Лоғар вилоятларида ҳамда Гардез шаҳри ҳудудида ақсилтеррор қўллар томонидан берилган зарбалар жаҳон оммавий ахборот воситалари эътиборини тортиди. Тахминларга қараганда, юқоридagi минтақаларда 5 минг нафардан зиёд террорчилар яна бош кўтарганлар. Уларни ер билан яқсон қилиш учун Шокэ-Кот тоғли ҳудудида АҚШ харбий самолётлари 90 та, шу жумладан, 2 та термобарик бомбалар ташлади. Ҳужумда «Б-52» стратегик харбий самолётлар қатнашди. Қуруқликдаги ҳужумларни кўп сонли адронга ва 2000 нафардан зиёд АҚШ харбий қисмлари олиб бормоқда. У «Анаконда» номи билан аталди. Уларни танклар ва тўпнар қўллаб-қувватлаб турмоқда. Хозирча қурбонлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

НОМЗОДЛАР АНИҚ

Ингушистонда 7 апрел куни президент сайловлари ўтказилажаклигини хаммининг хабари бор. Номзодлар ҳам деярли аниқ бўлиб қолди. Республиканинг собиқ президенти Руслан Аушев яқинда баёнот бериб, давлат бошлиғи вазифасини, агар президентликка сайбонанса, амалдаги ички ишлар вазири Хамзат Гуцериев муваффақиятли адо этиши мумкин, деди. У билан бирга, қандай аниқ пайда республика раҳбари вазифасини бажариб турган ҳукумат раиси Аҳмед Малиев ҳам президентлик курсисига даъвогарлик қилди. Марказий сайлов комиссияси раиси Қазбек Қостоевнинг айтишича, ҳозирча 8 нафар киши юксак лавозим учун курашиш истагида эканлигини билдирди.

КЎПЧИЛИК ЁҚЛАДИ

Ниҳоят, Косово ўлкаси парламенти ўз президенти сайлашга муваффақ бўлди. Бундай жараён мазкур ўлкада биринчи марта ўтказилди. Унда Косово Демократик Иттифоқи партияси раҳнамоси Иброҳим Ругова ғалаба қозонди. Уни ёқлаб парламентадаги 120 нафар депутатдан 88 нафари овоз берди. Ўлканинг бош вазири этиб мазкур партия вакили Байрам Ражабий тайинланди. Улар дастлабки баёнотларини ўлканинг мустақиллиги учун курашажаклигини айтдилар.

ХАРБИЙ МАШҚЛАР БОШЛАНДИ

Яқинда НАТОга аъзо бўлган Норвегия ва Польша ҳудудларида мазкур уюшманиннг харбий машқлари бошланди. У «Қатъий қарор — 2002» деб аталди. Унда НАТО мамлакатларидан 30 минг нафарга яқин харбий қатнашмоқда. Бир неча кун ўтган, уларга «Тинчлик йўлида» — шериклик дастурига кирувчи 12 мамлакатнинг, хусусан, Латвия, Эстония, Украина, Ўзбекистон харбийларидан ташкил топган қисмлар келиб қўшилди. Ўқув машқлариغا Болтик денгизида турган АҚШ харбий флотни кемасида жўлашган блок штаби қўмондонлик қилмоқда. Машқларда элталаро можораларни тинчитиш муаммолари ўрганилади.

ТЎСИҚЛАРО САЙЛОВ

Ниҳоят, ўтган шанба ва яқиндаги кунлари Зимбабведа президентлик сайловлари бошланди. Амалдаги давлат бошлиғи Роберт Мугабе ва янги демократик қўллар ҳаракати партияси аъзолари ҳисобланган мухолифатчилар ўртасидаги ихтилофлар сайловнинг дастлабки соатлариданоқ сезила бошлади. Р.Мугабе тарафдорларининг фақат ўзларининг минтақаларидагина сайлов устаклиги ташкил этганликлари бошқа ерлардаги аҳоли учун овоз беришда қийинчиликлар туғдирмоқда. Боз устига сайловчиларга турли сунъий тўсиқлар қўйиш ва жисмоний таъзиялар ўтказиш ҳоллари ҳам учрамоқда, деб хабар беришди оммавий ахборот воситаларининг баъзи агентликлари. Сайловнинг бир неча кун давом этиши кутилмоқда.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Футбол

МАЙДОН МУХЛИСЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА

Жаҳон чемпионатига берилмаган йўлдан кўлга тегмай қолган, ишқибозларнинг озурда кўнгли вақт деб аталмиш доно табиб муолажасидан бир мунча малҳам топиб улгуриб-улгурмай, яна футбол майдонларимиз ўз мухлисларини бағрига чорлай бошлади.

Гарчанд мамлакат XI миллий чемпионати байроғи 16 мартда кўтарилиши олдиндан белгилаб қўйилган эса-да, Қаршининг «Насаф» жамоаси Бекободнинг «Металлург» командасини мuddатидан илгари қабул қилди. Тўғрироғи, республика Футбол федерацияси Осиё чемпионлари кубоғи баҳсида иштирок этишда давом этаётган «Насаф»га ўйинларга пухтароқ тайёрилик учун шундай имконият яратиб берди. Маълумки, қашқадарёликлар Шарқий гуруҳ ғолиби, Жанубий Корея чемпиони «Сувон Самсунг» билан беллашади. Албатта, ўйин осон кечмаслиги аниқ. Лекин Фарқий гуруҳда тўп суриб, ўзининг нималарга қодирлигини намойиш этолган «Насаф» ҳам тўп суришда эканлигини унутмаслик лозим.

Чемпионатнинг илк учрашувида ҳам бу ўз иботини топди. Майдон эгалари меҳмонлар дарвозасини икки марта ишғол этиб, муҳим уч очкони кўлга киритдилар.

Таркиб жиҳатидан 70-80 фоизга ўзгарган «Пахтакор» эса куни кеча Ангрен шаҳрида Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси билан кубок баҳсига киришди. Айтиш жоизки, учрашув асосан ёш футболчилардан иборат «Пахтакор» командаси устунлигида ўтди. Ҳисоб ҳам буни тасдиқлаб турибди — 3:1. Тажрибали Л.Кочелев ва А.Власичев эндиликда Зайниддин Тожиев, Александр Гейнрих, Темур Копадзе каби ҳужумкор футболчилар кўмағида жуда катта мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилишлари мумкинлиги кўзга ташланди.


2002 — Жаҳон чемпионати ўтказилмаган сана сифатида тарихга кириди. Биз эса у ўзбек футболларида ҳам ёрқин из қолдиришини истаймиз. Хар ҳолда бугун футболимиз мутасаддилари амалга ошираётган ислохотлар ана шу эзгу ниятларимизга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Касаба уюшма тадбири «МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТ» — ФОЛИБ

Меҳнатқашлар ўртасида спорт оммавийлигига эришиш касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бунда соҳа ходимлари қатнашаётган турли оммавий тадбирлар ҳал қилувчи рол ўйнамоқда. Яқинда Тошкент Давлат Авиация институтини спорт мажмуида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси томонидан ташкиллаштирилган «Саломатлик» спартакиадаси дастуридан ўрин олган мини футбол беллашувларининг финал босқичида тўрт жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Биринчи бўлиб майдонга ўчинчи ўрин соҳибни аниқлаш учун Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети ҳамда Шарқшунослик институти жамоалари тушдилар. Ҳаёт қизиқарли ўтган баҳсининг асосий ҳамда қўшимча вақтларида дуранг натижа қайд этилди. Пенальтилар баҳсида эса омад Жаҳон тиллари университети жамоасига қулиб боқди. Тошкент иқтисодиёт университети ва ЎЗМУ футболчилари ўртасидаги ўйинда эса 2:6 ҳисоби қайд этилди.

Валентина ШАПОВАЛОВА, Тошкент шаҳар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси спорт йуриқчиси.



Дунёда бир-бирдан ҳайратли мўжизалар жуда кўп. Назаримда, уларнинг ҳар бирида биз англаб етмаган сир-синаот, илоҳий қудрат яширингандек. Акмалжон Саидов ижро этган кўшиқлар ҳам тингловчи қалбида ҳайрат уйғотади. Айниқса, у эстрадамиз юлдузи, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров кўшиқларини қуйлаганида, кўз ўнгингизда гўё эл севган санъаткорнинг унутилмас сиймоси гавдаланиб, қулогингиз остида унинг сеҳрли овози жаранглай бошлайди. Кўнглида соғинчли хотира уйғонади, мусиқа оҳанглари ила юрак тўлғанади, руҳ қанотланади. Қалблар қўшиқдан нурланади, дунё кўшиққа тўлади, ўртадаги масофа йўқолади.

— Ҳаётимни кўшиқсиз тасаввур этолмайман, — дейди Акмалжон. — Эсимни танибманки, кўшиқ айтаман. Хонадонимиздаги муҳит, санъатга илоҳий нэъмат деб қараш бунга сабаб бўлса керак. Биринчи устозим онажоним Шарофат Аминова. Тўғри, онам катта санъаткор эмас, ёшиликларидан кўшиқлар айтганлар. Қолаверса, отам Ўткир Саидов — шоир, публицист — мени ҳамisha изла-нишга, ижодга чорлаб турадилар. Хуллас, санъатга бўлган меҳр мени Маданият олийгоҳида бошлади. Олийгоҳнинг дирижёрлик бўлимини тугатиб, хозирда Тошкент Давлат мусиқали комедия (оперетта) театрида ишлаяпман. — Ботир Зокиров кўшиқларида

БОТИР ЗОКИРОВНИНГ СЕҲРЛИ ОВОЗИ...

миллийлик, замонавийлик уфуриб туради. Шовкин-сурондан йироқ, кўпроқ маҳзунликка йўғрилган. Бундай кўшиқлар эса ёш қари кўнглига бирдек йўл топади. Сиз ана шундай юксак маҳоратни ўзингизда қандай муассамлаштирдингиз, бундай маъсулиятли ишда сизга кимлар кўмаклашди? — Ботир Зокиров ўзбек эстрадасига тамал тошини қўйган устоз санъаткор. Машҳур ёзувчи таърифлагандек, у кишининг қалби ҳам, маънавий олами ҳам гўзал бўлган. Ниҳоятда маданиятли ва ўта нозик дидли, талабчан устознинг руҳи ҳам бугун биз ёш санъаткорларни баланд парвозга чорлаб тургандай. Ана шундай улуг санъаткорнинг кўшиқларини айтиш одамга икки хисса маъсулият юклайди. Бунинг учун аввало мен санъаткорнинг ҳаёти ва ижодини ўргандим. Қолаверса, театримиз бош режиссёри, Ботир Зокировнинг киёматли дўсти М.Хачатуровнинг маслаҳатларига амал қилдим. Унинг кўшиқларини юрак-юрагимдан шунчалик ҳис қилардимки, гўё мен эмас, Ботир Зокиров қуйлаётгандек.

Шунинг учун бўлса керак, устоз кўшиқларини айтаётганимда, ўзимни буткул унутаман. Худди рол бажараётган артист киёфасига киранман.

Сиз кутган учрашув

Саҳнада ҳамиша устознинг руҳлари мени қўллаб туради. Буни биринчи марта спектакл премьераси бўладиган кунда билганман. Қарангки, театр зали одамларга лиқ тўла, улар орасида қанча нуфузли олимлар, шоирлар санъаткорлар ва яна Зокировлар сулоласи бор. Лекин мен осойиштаман, руҳимда қандайдир хотиржамлик. Худди ҳар куни саҳнага чиқиб рол бажараётган санъаткордек ўзимни тутаяпман. Бўлмаса бу мен учун биринчи имтиҳон, биринчи саҳна сабоғи эди. Ўзимнинг бу ҳолатимдан ўзим хайронман. Токи спектакл тугаганча шу ҳолат тарқ этмади мени. Айниқса, унинг кўшиқларини қуйлаётганимда, Ботир Зокиров руҳиятини ҳис қилдим. У саҳнада мен билан бирга эди. — Мумтоз кўшиқларга муносабатингиз? — Мумтоз кўшиқлар — бу бизнинг тарихимиз, йўлимиз, йўлдошимиз. Уларсиз санъатимиз ҳам, маънавиятимиз ҳам ҳатто кўнглимиз ҳам кемтик. Яқинда Чўлпоннинг «Гўзал» шеъри асосида кўшиқ яратдим. Кўшиқни айтишдан

олдин улуг шоир ижодини қайта ўргандим. Хуллас, Чўлпоннинг хассос, айни пайтда дилбар қалбига яқинлашдим. Кўшиқни қуйларканман, кўз ўнгимда яна устозим Ботир Зокиров сиймоси гавдаланади. Устоз ҳаёт бўлганларида, Чўлпоннинг бу шеърини қай оҳангда айтардилар, деган ҳаёл руҳимни ёритди. Назаримда, кўшиқ ёмон чиқмади, албатта унга баҳони мухлислар беришади. — Қайси санъаткорларнинг кўшиқларини севиб тинглайсиз, бастакорлардан кимлар билан ҳамкорлик қиласиз? — Юқорида айтганимдек қалбимга яқин кўшиқ айтган барча улуг санъаткорлардан завқ оламан, улардан ниманидир ўрганаман, фаолиятимга уларни қўллашга ҳаракат қиламан. Қолаверса, Юлдуз Усмонова кўшиқларини ёқтираман, Алла Пугачёва кўшиқларини маза қилиб тинглайман. Бастакорлардан Анвар Эргашев, Дилором Омонуллоева, Гулнора Азизхўжаева билан ҳамкорликда ишлайман. — Келажакдаги режаларингиз... — Умид нурли юлдузга ўхшайди, ҳамisha юксакликка чорлаб туради. Шу маънода ниятларим жуда улуг. Аввало устозим Ботир Зокировдек элимга, юртимга муносиб санъаткор бўлишни истайман. Кейин, ўз кўшиқларимни яратсам, ҳамisha халқнинг назарига бўлсам, эл қалбига йўл топсам, дейман. Амина ҚОДИРОВА.

ВАҚТ ЧОШГОҲДАН ЎТГАНДА

Бизда ҳар йили биринчи март эрталаб соат олти бўлганда Нью-Йоркда кечкурун соат еттига занг уради, янада фарбга қараб борсак, Сан-Франциско шаҳрида худди шу маҳал 28 феврал кечкурун соат тўрт бўлади. Бунинг сабаби, юмалоқ Ер ўз ўқи теварағида бутун бир айлана чизиб ҳаракатланишидир. Ернинг айрилиш даврида Кўёш нури соҳиб тур-

Биласизми?

Бинобарин, Тошкент аҳолиси ҳам Нью-Йорк аҳолиси каби гўё каруселда айланиб қоронғуликдан кетма-кет чиқади. Шу пайт эрталаб бўлади, чошгоҳда Кўёшга рўпара келади, гира-ширада қоронғуга киради. Тошкент билан Нью-Йорк Кўёшга ҳеч қачон барабар рўпара келмайди, яъни Тошкентда ҳам, Нью-Йоркда ҳам барабар чошгоҳ бўлиши мумкин эмас.

Хотира уйғонса гўзалдир

ЯХШИЛАР ЁДИ

Дастурхон атрофида оила аъзолари билан ўтирган Хамид аканинг юраги ўша кун нимадандир гаш эди. Турмуш ўртоғи Маҳбуба опа узатган чойни ҳўплар экан, дарвозанинг беҳосдан тақиллаши ҳавлини бўлди. Ҳовлига чиққан қизи Лола теъза орқасига қайтди. — Сизни сўрашпти, — деди отасига қараб. — Дадаси, меҳмонлар келганга ўхшайди, ичкарига олиб кириб. Мен хозир ошни ҳам олиб келаман, дамини егандир, — деди-ю Маҳбуба опа ошхонага йўл олди. Дарвоза олдида икки норғул йигит Хамид акага пешвоз чиқди. — Хамид Усмонов сизмисиз? — деди новчароғи. — Кечирасиз, хизматчилик. Биз билан юришингизга тўғри келади. Ўша ерда гаплашиб оламиз, — шундай дея прокурорнинг қандай оғиз ҳақидаги санкциясини кўрсатди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ хотини уйга қайтиб кирган эрига лутф кўрсатди. — Дадаси, мана ош ҳам тайёр бўлди. Қани, меҳмонларингизни чақиринг. — Мен хозир қайтиб келаман, — деди жавобан зўрға ўзини босиб Хамид ака. — Сизлар бемалол ўтираверинглар, келиб еймиз...



Шу алфозда Хамид ака уст-бошини кийиб чиқиб кетди. Оила-аъзолари тун ярмигача дарвозага қарашиб. Отадан дарак бўлмади. Шу кундан бошлаб Хамид Усмоновлар оиласи учун қора кунлар бошланди. Хамид ака кўнгли беқорга безовталанаётганлигини ўшанда англади. Тақдирга тан бериб «пах-

та иши» жабрдийдалари қатори 5 йилни азобда ўтказди. Мол-мулки мусодара қилинди. Беш бола билан қолган Маҳбуба опа қаерга боришини, кимга дардини айтишини билмай жони ҳалак, на еганида, на ичганида маза бор. Ниҳоят, адолат қарор топди. Рўшнолик эшиклари истиқлол эпкинлари ила очилди. Сирдарё вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллежияси очик сифатида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ғолиблар сафида бормоқда. — Отам қамалганларида мен икки ёшда эканман, — дейди Лутфия. — Отам ҳақида одамлар яхши гапларни айтишади. Биз — фарзандлар отам билан фахрланамиз. Ҳузурда эканимизда бундай илик сўзларни бошқалардан ҳам эшитдик. Хамид ака ва Маҳбуба опа нафақат ўз фарзандлари, қариндощ-уруғларининг бир неча болаларини ҳам воёга етказиб, уйли-жойли қилишган экан. ... Бундан бир йил муқаддам, айнан март ойида Мейли Раҳмонов номи хўжалик клубида марҳум Хамид Усмоновнинг хотири кечаси бўлиб ўтган эди. Тўпланганлар собиқ раиснинг ҳаёт йўли ҳақида гапириб, унинг иш тажрибаси барчага намуна эканлигини таъкидлаган, юртдошлари номини абадийлаштириш ҳақидаги таклифи ўртага қўйган эдилар. Ҳа, яхшиларнинг мазмунли ҳаёт йўли, қилган савобли ишлари халқ юрагидан чиқмайди. Зеро, инсон хотираси азиз ва муқаддас. Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири.

Тахририятдан: газета саҳифаланаётганда Ҳузур туман «Гулшан» қишлоқ фуқаролар йигини раиси Қайом Маҳмудов Хамид Усмоновнинг ҳаёт йўли кўпларга ибрат бўлишига эътироф этиб, маҳалла оқсоқолларининг тақлифига биоан «Гулшан» кўчасига Хамид Усмонов номи берилганлигини маълум қилди.



ЗУЛФИЯ ИЗДОШЛАРИ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Тадбирни ўтказишдан мақсад турли йўналишларда тенгдошларига ўрнатилган лобар кизларнинг меҳнатларини қадрлаш, ёш бўлсалар-да илм-фан ва ижодда баракали фаолият кўрсатаётган ёшларни рағбатлантиришдан иборат, — деди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Ботир Убайдуллоев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бу мукофот ғолибаларимизга фахр, қувонч туйғуларини бахш этиш билан биргаликда катта маъсулият ҳам юклайди. Ҳозир бутун Республикамиз аҳли бу кизларимизга ҳавас ва ишонч билан боқмоқда. Уларга билдирилган ишонч албатта оқланажагига ишончимиз комил.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси раиси Чори Шодиевга падари бузрукворини ШОДИ ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

МУЛЬТИМЕДИЯ ДАРСЛАРИ

Замонавий технология маҳсулотлари янглиғ юзага келган мультимедия бугунги кунда олий ва махсус ўқув юрларида махсус дарслар сифатида кенг фойдаланилмоқда. Бундай таълим жараёнини янада яхшироқ йўлга қўйиш мақсадида республика фан ва техника давлат кўмитасининг «Интех» замонавий технологиялар агентлиги қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Агентлик республикамиздаги 20 га яқин олий ўқув юрти билан шартнома тузиб, мультимедияда маълум мавзулар доирасида аудио ва видео лавҳаларни акс эттириб, уларни алмаштириш режаларини ҳам ишлаб чиқди. Дарсларни мультимедия воситасида олиб бориш ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқув дарсларида ҳам фойдаланиш тарадуду кўрилмоқда. Мультимедия дарслари республика ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан маъқулланди. Ташкилий курилиш ва илмий хунармандчилик коллежиде эса мультимедия дарсларидан «Маънавият ва маърифат» дарсида фойдаланиш услублари ишлаб чиқилди. А.АЛИЕВ.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиали аукцион савдоларига таклиф этади!

2002 йил 12-15 апрел кунлари Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулки кўмитасининг Навоий вилояти худудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйдаги мулклар қўйилади. Навоий кон-металлургия комбинати 3-автотасига қарашли автомашиналар: \* 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «Volkswagen» русумли, давлат рақами 78-88 НВН автомашинаси. Бошлангич баҳоси — 970000 сўм. \* 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «GA3-52-01» русумли, давлат рақами 45-66 НВН автомашинаси. Бошлангич баҳоси — 124000 сўм. \* 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «GA3-52-01» русумли, давлат рақами 28-77 НВН автомашинаси. Бошлангич баҳоси — 124000 сўм. Харидорлар савдоларда қатнашиш учун объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдориде гаров пули тўлашлари шарт. Савдоларда қатнашиш учун аризалар савдо бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Навоий шахри, П.Очилов кўчаси 24-уй, Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиали. Телефонлар: (43622) 4-15-61, 4-64-31.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлади. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22-30.

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.